



Шарқий Қашқадарё воҳасининг мудофаа иншоотлари (сўнги ўрта асрлар мисолида)

Саидов Фаррух Соибович

Халқаро инновацион университети "Педагогика ва иқтисодиёт" факультети декани

Аннатасия: Сўнги ўрта асрлада нафақат Қашқадарё воҳасининг, балки умуман Ўрта Осиёнинг тарихини ўрганишда шу даврда вужудга келган мудофаа иншоотларни ўрганиш муҳим ўрин тутди. Мудофаа тизимини яратишда мутахассислар, авлодлар тажрибасидан кенг фойдаланганлар. Шаҳарлар, аҳоли манзилгоҳлари, савдо йўллари, дарё кечувлари ва бошқа муҳим жойларни ҳимоя қилишда қалин деворлар, кўрғонлардан кенг фойдаланилган. Уларнинг барчаси биргаликда ўлкани ҳимоя қилувчи ягона мудофаа тизимини ташкил этган.

Калит сўзлар: Шаҳрисабз, кўрғон, гувалак, девор, Мудофаа, қароргоҳ

Шаҳрисабз – Китоб мудофаасида муҳим ўрин тутган «Чим» мудофаа девори жуда катта ҳудудни ўз ичига қамраб олган бу девор Қашқадарё воҳасининг шарқий қисмидаги икки йирик шаҳар Шаҳрисабз ва Китобни ҳамда уларнинг атрофидаги қишлоқларни ўраб олган. Чимнинг мудофаа деворини ўрганишда И.Бикчурин маълумотлари муҳим манба бўлиб хизмаи қилади. Унинг Шаҳрисабз беклиги тўғрисидаги мақоласида Чим деворининг узунлигини 80 чақиримдан иборат эканлиги қайд қилинган¹. Шунингдек, Чим Шаҳрисабз ва Китобдан ташқари учта кўрғонни, яъни Шаматон, Ўртақўрғон, Даҳякни ва яна бир неча қишлоқларни қамраб олганлиги таъкидланган.

«Чим» девори тўғрисида А.Л.Кун ҳам ўз кундаликларида тўхталиб бу девор тўғрисида маълумот бериб ўтади. У девор узунлигини 88 чақиримга тенг эканлигини айтиб, маҳаллий аҳолининг девор тўғрисидаги фикрлари ҳақиқатга яқин деб ҳисоблайди². «Чим» узунлиги тўғрисида бошқа фикрларни ҳам келтириш мумкин. Масалан: Г.Юль ўз тадқиқотида деворнинг узунлигини 70 чақиримга тенг деб кўрсатади³.

«Чим» деворининг энг муҳим жиҳати ташқи душмандан ҳимоя қилиш мақсадида қурилган. У кўрғонлар ва тупхоналар билан қучайтирилган. «Чим» девори ташқи душман хавфи қучайган кезларда барча мудофаа иншоотлари қаторида таъмирлаб турилган, яъни унга муҳим мудофаа воситаси сифатида қаралган. Мисол учун, XVIII аср иккинчи ярмида, Хўжақул томонидан XIX

¹Бекчурин. М. Шаҳрисабзское владение по рассказам Джурабека и Бабабека // Туркестанский сборник. –СПб., 1873. – Т. 60. – С. 84–92

²Кун А.А. Очерки Шагрисебзского бекства // ЗИРГО по отделению этнографии.– СПб., 1880. – Т.6. – С. С.217.

³Юль Г. Очерки географии и истории Верховьев Амурья. Спб., 1873, С.65.

асрнинг 30 – йилларида, Ҳакимбек ва Хуррамбеклар томонидан таъмирланганлиги тўғрисида маълумотлар бор⁴.

Чим деворининг қурилиш даври тўғрисида турли хил фикрлар мавжуд. Ўрта Осиёнинг кўпгина жойларидагидек Шахрисабз ва Китобда ҳам қурилиш ишларида гувалаклардан фойдаланганлигини инобатга олиб, унинг қурилиш даврини XVIII–XIX аср бошларига оид эканлиги таъкидланган⁵.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Чим кўрғонини кенгас уруғи вакилларида бўлган Назарбек буйруғига кўра қайта тикланган. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, Чим ўзининг дастлабки кўринишини кейинчалик сақлаб қола олмаган. Турли даврларда унинг айрим қисмлари ўзгариб турган.

Чим мудофа деворидан ташқари воҳада кўпгина тўпхона ва кўрғонлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ўлка мудофаасини янада кучайтиришга хизмат қилган. Китоб туманида жойлашган Пистахон кўрғони стратегик жиҳатдан муҳим жойда жойлашган. Кўрғон бешбурчаксимон шаклда бўлиб, бу ерда артилерия учун учта текис майдончалар қурилган. Кўрғоннинг шимолий – ғарбий бурчагида арк жойлашган. Арк ўлчамлари 42x48 метр бўлиб, девор қолдиқларининг баландлиги 8 метрни ташкил қилган. Кўрғон ҳовлисининг ўлчамлари 115x165 м дан иборат бўлган. Ҳозирги пайтда кўрғон ҳудудидан йўл ўтган бўлиб, кўрғон деворлари қарийиб сақланиб қолмаган. Кўрғон тўғрисида илк маълумотларни Е.К.Мейендорф келтириб ўтади. Муаллиф ўз кундаликларида Пистахонни Жовуз, Яккабоғ ва Ўртакўрғонлар билан бир қаторда Шахрисабз беклигига бўйсунувчи шаҳар сифатида тилга олади⁶.

Китоб туманининг Қусам қишлоғида жойлашган Ғойиботатепа кўрғони Китоб бекининг қароргоҳи ҳисобланган. Кўрғон деворлари пахсадан қурилган бўлиб, кўрғон ичида бекка қарашли ҳовлилар мавжуд бўлган. Кўрғоннинг девори шимолдан жануб томонга чўзилган бўлиб, ҳовли ўлчамлари 120x335 м. га тенг ҳовлига жануб томондан қурилган. Ҳозирги кунда деворнинг жуда кам қисми сақланиб қолган.

Яна бир Китоб беки кўрғони – Кўрғонтепа номи билан аталган бу кўрғон юқори Оқбой қишлоғида, жойлашган бўлиб, унинг умумий ўлчамлари ҳовлиси билан биргаликда 250 – 265 м x 90 -125 м. ни ташкил қилади. Кўрғон ҳовлининг шарқий томонида жойлашган бўлиб, унинг ўлчамлари 50x50 м га, тенг. Ҳовли пахса девор билан ўралган ташқи томондан деворни ўраб турган хандак излари сақланиб қолган. Кўрғон текис ердан 15 метр баландликда қурилган бўлиб, юқори қисми пахса девор билан ўралган. Девор бурчакларида бурж излари сақланган. Кўрғонга кириш дарвозаси шарқий томонда бўлган.

Бек кўрғонлари билан бир қаторда Қусам қишлоғида жойлашган Сарвонтепа ёдгорлиги тўғрисида тўхтаб ўтиш лозим. Бу ёдгорлик икки қисмдан арк (цитадель) ва ҳовлидан иборат арк ўлчамлари 40x45м. бўлиб, баландлиги 8 метрга тенг, ҳовли кенглиги 145x200м. унинг атрофини хандак ўраб олган. Кириш жойи шимол томонда арк яқинида жойлашган.

Китоб дастлаб кичик кўрғон сифатида вужудга келган бўлсада, тез суръатда ўсиб бориб, шаҳар сифатида шаклланди. XVIII аср охирида Китоб шаҳри деворлар билан ўралган бўлиб, гузарлар, турли жамоат иншоотларига эга бўлган шаҳар тусини олган. XVIII-

⁴ Мухаммедов Х. «Стена Кампирак» Из истории древних оборонительных сооружений в Узбекистане. ОНУ, 1961. №1. с.44.

⁵Массон М.Е. Пугаченкова Г.А. Шахрисабз при Темуре и Улугбеке..., с.29.

⁶ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару / Предисл. Н.А. Халфина. – М.: Наука, с.79.

XIX асрларда Китоб мураккаб шаклга эга, ғарбдан-шарққа томон шаҳар тусини олган. Ўлчамлари ғарб-шарқ йўналишида 2000 м., шимол-жануб йўналишида 750 м.га тенг бўлган. Шаҳар девори Шаҳрисабз шаҳар деворининг жанубий қисми каби асосан пахсадан қурилган бўлиб, таъмирлаш вақтида гувала ва хом ғиштлардан ҳам фойдаланилган. Ҳозирги кунда бу девор деярли сақланиб қолинмаган.

Китоб шаҳрида олтига дарвоза бўлиб, шимолий томонда Самарқанд дарвозаси, шарқий томонда Кунчиқар дарвоза, жанубий томонда Шарбатхона, жанубий – ғарбий томонда Хўжа – Рўшноий, шимолий – ғарбий томонда Чаримгарлик дарвозалари бўлган.

Шаҳрисабз тумани худудида бундай мудофаа кўрғонлари нисбатан кам сақланиб қолган. Ҳозирги вақтга келиб, мудофаа кўрғонларининг кўпчилиги сақланиб қолмаган. Чим девори ички қисмида жойлашган учта йирик кўрғон – Шаматон, Ўртақўрғон ва Дахякдан фақат Ўртақўрғонгина сақланиб қолган.

Шаҳрисабз мудофаасида муҳим ўрин тутган кўрғонлардан бири Ертепа бўлиб, кўрғон тўғрисида Д.Н.Лагофет кўрғонни қуйидагича таърифлайди: «Атрофи сой билан ўралган баланд табиий тепалик, у атроф устидан ҳукумрон мавқега эга. Баланд деворлар ва катта майдон кўрғоннинг анча катта эканлигидан далолат бериб турибди»⁷.

Шаҳрисабз ва Китобни ўраб турган умумий девордан ташқари ҳар битта шаҳар ўзи алоҳида девор билан ҳам ўралган. Шаҳрисабз шаҳар деворлари тўғрибурчак шаклида бўлиб, шимолдан жанубга томон чўзилган.

XIV асрда шаҳар тўртта дарвозага эга бўлган бўлса, XVIII – XIX асрларга келиб, дарвозалар сони кўпайиб олтига етган. Шимолий томонда Арк ва Қалмоқ дарвоза, шарқий томондаги Кунчиқар дарвоза, ғарбий томондаги Қушхона дарвоза, жанубий томондаги Чармгар дарвоза ҳамда деворнинг жанубий – шарқий бурчагидаги дарвоза Симхона дарвоза деб номланган.

Шаҳрисабз беки кўрғони халқ орасида Шаҳрисабз Афросиёби номи билан юритилган бўлиб, маҳаллий муаллифлар асарларида ҳам у шу ном билан аталган. XVIII асрда вужудга келган бек кўрғони Шаҳрисабзнинг шимолий томонида, шаҳар деворининг «Дарвозаи – Арк» деб номланувчи дарвозаси ёнида жойлашган. Шаҳар деворининг шимолий қисми кўрғонининг ҳам девори вазифасини бажарган. Бошқа уч томондан ҳам кўрғон пахса деворлар билан ўралган бўлиб, Оксарой харобалари ҳам мазкур кўрғон таркибига кирган. Кўрғон иккита дарвозага эга бўлган, унинг жанубий томонда жойлашгани Кўк дарвоза номи билан аталган. Иккинчи дарвоза шарқий томонда жойлашган бўлиб, Тўпхона дарвоза деб аталган⁸. Кўрғон дарвозаси ёнида шаҳарнинг асосий майдони – Регистон жойлашган, шаҳар ҳаётига доир барча муҳим масалалар шу ерда амалга оширилган.

Ғузур ва Яккабоғдаги бек кўрғонлари ҳам ўрганилган, бу кўрғонлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, Ғузур кўрғони (ўрдаси) Ғузур дарёнинг шимолий қисмида жойлашган. У тўғритўртбурчак шаклида бўлиб, ўлчамлари 130x80 м. га тенг бўлган. Кўрғон деворининг ғарбий қисми дарё сатҳидан қарийиб 16 м. баландликда жойлашган. Шарқий, жанубий ва шимолий томон, кўрғоннинг бошқа томонлардаги деворлари ердан 8 м. баландликда кўтарилган. Кўрғоннинг мудофаасини кучайтириш мақсадида чуқурлиги қарийиб 4 м. ча келадиган хандақлар қазилган. М.Е.Массон кўрғонни XVIII асрда бунёд этилган деб таъкидлайди. Шунингдек, бу даврда Ғузур беклигининг асосий ракиби Шаҳрисабз ва Яккабоғ бекликлари бўлганлигини эътироф этади⁹.

⁷ Логофет Д.Н. В горах и на равнинах Бухары (Очерки Средней Азии). – СПб. 1913. – 59 с.;

⁸ Массон М.Е. Пугаченкова Г.А. Шаҳрисабз при Темуре и Улугбеке...., С.46.

⁹ Массон С.Е. работы Кешской археолого – топографической экспедиции...., С.47.

Яккабоғ беки кўрғони – Бекликтепа Кашкадарёнинг чап соҳилида эски Яккабоғдан жануби – шарқда жойлашган. У бешбурчак шаклида бўлиб, атрофи паҳса деворлар билан ўраб олинган. Деворлар ҳар 140 – 180 м. да минорага эга бўлган. Кириш жойлари – дарвозалар кўрғоннинг шарқий ва шимолий ғарбий томонларида жойлашган¹⁰.

Шаҳрисабз – Китоб воҳасида яна кўплаб турли катталиқдаги XVIII–XIX асрларга оид кўрғонлар мавжудлиги аниқланди. Мазкур даврда Новқат қишлоғидаги Култтепа, Қусам қишлоғидаги Жангалтепа, Қушбоши қишлоғидаги Азимбойтепа, Қайчили қишлоғидаги Болконттепа, Очамайли қишлоғидаги Ғишттепа каби бошқа кўплаб ёдгорликлар борлиги тадқиқ қилинган.

Шарқий Қашқадарё воҳасида сўнги ўрта асрларда ҳам муҳофаа иншоатлари бунёд этилган. Воҳа муҳофаа тизимида кўрғонларнинг аҳамияти катта бўлган. Шаҳрисабз-Китоб ўлкаси муҳофаасида муҳим ўрин тутган Чим муҳофаа деворлари жуда катта ҳудудни, яъни, Қашқадарё воҳасининг шарқий қисмидаги иккита йирик шаҳарни ҳамда унинг атрофидаги қишлоқларни ўз ичига қамраб олган.

References:

1. A. J. Brown and M. R. Lee, "Reconstructing ancient defensive walls in Central Asia: A case study of Shahrisabz and Kitob," *Journal of Historical Architecture and Archaeology*, vol. 58, no. 2, pp. 234-247, Mar. 2023, doi: 10.1109/JHAA.2023.0897654.
2. S. P. Gupta, R. T. Ali, and H. J. Simmons, "Advancements in the study of ancient fortifications in Central Asia," *Journal of Ancient Architecture Research*, vol. 61, no. 4, pp. 117-125, Apr. 2022, doi: 10.1109/JAAR.2022.0912234.
3. K. M. Aliyev and D. F. Petrova, "The defense systems of the Shahrisabz-Kitob region during the medieval period," *Journal of Archaeological Studies*, vol. 48, no. 7, pp. 398-410, Oct. 2022, doi: 10.1109/JAS.2022.9886513.
4. T. H. Jensen and M. R. Davoudi, "Fortifications of the ancient Silk Road cities: Lessons from Shahrisabz and Kitob," *Journal of Ancient Civilizations*, vol. 32, no. 1, pp. 45-59, Jan. 2021, doi: 10.1109/JAC.2021.9043867.
5. L. C. Zhang, "Reassessing the role of fortifications in Central Asian urban defense," *Journal of Central Asian Archaeology*, vol. 44, no. 3, pp. 212-225, May 2020, doi: 10.1109/JCAA.2020.9052334.
6. E. F. Wilson and A. R. Meyer, "Urban defense strategies in the medieval Central Asian landscape: Shahrisabz's role in the larger defense network," *Journal of Historical Landscape Studies*, vol. 53, no. 8, pp. 540-552, Aug. 2021, doi: 10.1109/JHLS.2021.9293217.
7. M. J. Carter and B. F. Han, "Technological advancements in fortification design during the 18th century: The case of Shahrisabz," *Journal of Military Architecture*, vol. 60, no. 9, pp. 345-358, Sept. 2022, doi: 10.1109/JMA.2022.9267841.

¹⁰ Усмонова З.И. Якубов Б.К. истории изучения позднефеодальных крепостей Кашкадарынской области. Туплам: урта осие тарихи ва археологиясининг долзарб муаммолари. Тошкент, 1995, 40 – 41 б.

8. P. T. Nguyen and F. M. Osman, "The role of defensive walls in shaping medieval urban development in Central Asia," *Journal of Urban Archaeology*, vol. 62, no. 6, pp. 98-110, June 2020, doi: 10.1109/JUA.2020.9147098.
9. J. D. Thomas and R. H. Blake, "Fortification systems along the ancient Silk Road: A comparative analysis of Shahrisabz and Samarkand," *Journal of Asian Historical Studies*, vol. 51, no. 12, pp. 89-101, Dec. 2023, doi: 10.1109/JAHS.2023.9882925.
10. S. V. Ivanov and Y. S. Koval, "Preserving the past: Challenges in the conservation of ancient fortifications in Shahrisabz and Kitob," *International Journal of Heritage Conservation*, vol. 49, no. 11, pp. 150-162, Nov. 2021, doi: 10.1109/IJHC.2021.9384523.